

ТОШКЕНТ

ОКШОМИ

2-яил чиқиши,
24-ФЕВРАЛЬ 1967 й.
ЖУМА,
№ 47 (202),
БАҲОСИ 2 ТИЯИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

саҳифаларида

● 6-йиллик планин муваффақиятли бажашида актив қатнашганлик ва мамлакатнинг маданий-оқартуви муассасаларида кўп инисамарали ишлаганликлар учун СССР Олий Совети Президиуми 1967 йил 22 февралдаги Фармонида мувофиқ, маданий-оқартуви муассасалари ходимларидан 1.624 кишини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

● СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Фан ва техника соҳасида Ленин ва СССР Давлат мунофотлари комитети 1967 йилги Ленин мунофотларини олиш нуқсидан қатнашган учун қабул қилган ишлар рўйхати бугун газета саҳифасида эълон қилинган.

● Варшавада Европадаги Коммунист ва ишчи партияларнинг Европа хавфсизлиги масаласига бағишлаб ўтказилган кенгашига ўтказилган тайёрловчи редакция комиссиянинг мажлиси очилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

ТАШАББУС МАҚУЛЛАНДИ

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Давлат мукофоти лауреати Ризамат Мусамухамедов республикада бодорчилик ва узумчиликни кенг ривонлаштириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган муҳим масалаларни кўтариб чиқди.

Ризамат Мусамухамедовнинг мурожаати коммунистик мўл-кўлчилик дастурининг, севинли Ватанимизни тагин ҳам чиройли ва бадавлат қилиш учун мамлакатимизда коммунизм қуришдан иборат умумхалқ ишига республика шаҳар ва қишлоқлари меҳнатшароитини қўшаётган ҳиссани кўпайтириш тўғрисидаги қурул ватанпарварлик ва зўр гамхўрлик туйғуларини билан сўз қилган. Машҳур соҳибкор некарий қўллангига қарамай, юбилей йилида Октябрьга соғва қилиб 100-150 гектар бот барпо этиш мажбуриятини олмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ризамат Мусамухамедовнинг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, область, шаҳар ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область, шаҳар ва район локрония комитетларига Ризамат Мусамухамедовнинг мурожаатини кенг муҳомама қилиш, ҳар бир хўжаликда юбилей йилида бодорчилик ва узумчиликни янада ривонлаштириш юзасидан конкрет чоралар белгилаш ва уларни амалга ошириш тақлиф қилинди.


Газета редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг радиозашитириш ва телевидение Давлат комитетига машҳур соҳибкорнинг ватанпарварлик ташаббусини кенг тарғиб қилиш топширилди.

Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига янги боғ-роғлар барпо этилик!

Ризамат
МУСАМУҲАМЕДОВ

Давлат мукофоти лауреати,
Социалистик Меҳнат
Қаҳрамони.

КЎЧАТ ЭК, БОҒ ҚИЛ!



86 ёшга кирган аjoyиб сиймо Ризамат ота Мусамухамедов республикада соҳибкорларнинг отахонидир. У яратган узум навларининг доғруғи оламга машҳур. Қўтуғ насб соҳиб республикамизнинг эллик уч районидан уч минг гектардан ортиқ боғ-бўстон яратди. Отахон узунини ноб тажрибасини Ўзбекистоннинг Урта Осиё ва Закавказье республикалари боғбонлари билан баҳам кўриб келмоқда.

Ризамат ота Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги муборак тўйини янги боғ-роғ барпо этиш билан кутиб оlishга аҳд қилди. У 150 гектар ер ажратиб, янги мевазор, узумзор бунёд этиш ташаббусини бошлаб берди.

нинг учун ҳам бодорчилик бизнинг қон-қонимиз га сингиб кетган касб.

Халқимизнинг жуда яхши ўдамини бор. Қаерин макон қилса, ўша ерга яхши ният билан ниҳол қайди, боғ қилади. Бир туп даракда бир неча хил мева ўстириб, ҳаммаи хайратда қолдирган. Бир туп тонда тонна-тонна узум олаётган тошкентлик Холки Самандаров, Қаримжон Раҳимжонов, Сайфиддин Эшонхон, сирдарелик Жуман Хўнабеков, Қорабой Мирзадаев, фарғоналик Узоқ Назаров, илмий ходимлар Фаррух Латипов, Уринбой Йўлдошев каби аjoyиб соҳибкорларимизнинг тажрибаси ҳамма боғбонларнинг бисоти бўлиб қолди.

Лекин кейинги пайларда нимгадир мана шу бобо касбимизга — бодорчилик ва узумчиликка етарли эътибор берилмай қўйилди. Айрим жойларда каровезлик орасида кишиларимизнинг тер тўкиб бунёдга келтирган қандадан-қанда боғлари ҳувилаб қолди. Чақалоқни катта қилгунча ота-онанинг тортиган машаққат, қийинчиликларини бир кўз олдинга келтиришчи! Ниҳолки ўстириш ҳам шунчалки оғир ва машаққатли. Шундай бўлса, бир туп дарактин, ноз-неъмат тўкиб ташларкин, қайси бағов тош кесиб қўйаркин, қайси бағов тош қуриб қўйаркин. Мени ҳар чок ташқишга солаётган, ҳафа қилаётган бундай ечинлари ахволга бирор инсофли киши тоқат қилолмайди, деган фикрдиман.

Ахир, қарасанг боғ, қарамасанг юрегингга доғ, деб халқимиз бежиз айтмаган. Айниқса, Фарғона, Қашқадарь, Сирдарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Қорақалпоғистонда мева етиштириш бултур бурноғи йилдан ҳам кўпайиб кетди. Наҳотки, мана шу жойлардаги ҳамкасбларини бунга чидаб туришса! Утган йили республика бўйича узум таяёрлаш плани охири бажарилгани билан мева плани 67 процентдан қолиб кетди.

Холва деган билан оғиз чўчмаганидек, курак гал билан иш битмайди. Ният қанчалки яхши бўлмасин, амалий иш билан боғланмаса, рўйга чўкмай қолверади. Шу вақдан қўнғилимга туғиб юрган бир нарсани айтмоқчиман. Ўзбекистон соҳибкор меҳнатининг қадр-қийматини яна ҳам юқори кўтарас, эъзозласан, ёшларда яна шу табарук касба меҳр уйғотсан, бодорчилик янада ривож топадики! Касба, тажрибадан, устоз соҳибкорларнинг тажрибасини кенг ёқсан, фан уюқларини мурчи этсан, боғбоннинг маҳнатини яна ҳам энгиллаштириш тўғрисида кўпроқ ўйласан дейман. Узумчилик, бодорчилик билан шуғулланаётган хўжаликларнинг манфаатдорлигини охирига, нур устига ёлво нур буларди. Бизде пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ишлаётган деҳқонлар ўзаро мусобақалашадилар. Неге энда боғбонлар, соҳибкорлар мусобақалашмайдилар?

ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР КЎМАГИ

Шу кунларда Олой бозори атрофидаги жойларга қурилиш материаллари ва техникаси узлуқсиз келиб турибди. Бу ердаги Ц-4 кварталда севрелсколиклар уй-йой бинолари бунёд этилди. Ураллик қурувчилар Чилонзор районидан 72 квартиралар уйи қуриб, тошкентлик оилаларга армуғон этган эдилар.

Қурувчилар янги қурилиш майдонига ишчи баракали бошландилар. Қудратли механизмларнинг хайқирғи эрта тонгларок бошланмоқда. Бу ерда бўлажак уйларнинг пойдеворлари учун қотловчалар қазилди. Орадан бир неча ой ўтараётган бўлиб, ерларни таниб бўлмай қолди. Энгельс кўчасида янги бинолар қад кўтарди.

Олимлар билан учрашув

Пойтахтдаги 111-мактаб коллективи Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси, физика-математика фанлари доктори, профессор Қори Икбал билан учрашув ўтказди. Учрашув исқолий мақтаб директори Хожиянов Қурбонов очиб олган сўз берди. Олим Навоий юбилей олдидан Афғонистонга қилган сафари ва у ерда мутафаккир шоир Алишер Навоий қабри зиярат қилганини ҳақиқат гапириб берди. Учрашув охирида мактаб бағдий хаваскорлари катта концерт кўрсатишди.

Посёлкада янги кўча

Республикамизда пойтахт обод ва кўркам бўлиши билан бирга унинг атрофидаги посёлка ва район кўчалари ҳуснига-хусн қўшилмоқда. Шулар қатори Оржоникидзе посёлкасида яна бир «Янги ҳаёт» кўчаси бунёд этилди.

СОВЕТ АРМИЯСИ ШАРАФИГА

Ўзбекистон пойтахти умумхалқ байрами — Совет Армияси билан Ҳарбий-Денгиз Флотининг 49 йиллиги ҳақида Туркистон Ҳарбий округи кўшнларининг кўмондони генерал-полковник Н. Г. Лишчевко доклад қилди.

Ингилишда КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоллигига назидаат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, республика Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар Р. Қурбонов, М. М. Мусамухамедов, Р. Н. Нишонов, С. Р. Расулдов ҳозир бўдиллар. (ЎзТАГ).



ОЗАРБАЙЖОН ССР. Халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида электротехника саноатини то тривмифон пластинкалари ишлаб чиқаришга қадар наф турал лок кенг қўлланмади.

Озарбайжон бодорчилик институтининг олимлари республикада лок қуртин иқдлаштириш юзасидан муваффақиятли иш олиб бормоқдалар. Вьетнам Демократик Республикасида олдинг қуртлар еттичи наслини берди. Лок қуртлари учун фойдаланиб бўлган дарак навлари аниқланди. Озарбайжон шеллакдан дастлабки ўнлаб килограмми олинди.

СУРАТДА: Мардақиядаги ботаника боти лабораториясининг раҳбари геология фанлари кандидати Исмомил Мамедов ва тарший лаборантка Вера Петрова лок ком аёбсининг сифатини текширишда.

В. ПАШЕНКО фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

ЛУГАНСКЛИКЛАР УЙЛАРИ

Янги Тошкентни қуриш учун биринчилар қаторида келган лугансклик қурувчилар Чилонзорда яна бир уй-жой босини қуриб, фойдаланишга топширдилар.

Ҳозир улар шаҳар марказида «Украина» микрорайонидан яна икки қаватли бинони қуришга киришганлар.

Владимир Гневний бошлққ ишт терувчилик бригадасида Е. Тетарина, В. Марчук, А. Жегунов қабилари гишти тез ва соз термоқда.

Бизнинг интервью МЕТАЛЛНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «1967 йили темир-тераска тайёрлаш ҳамда қора ва рангли металл чиқиндиларини қайта тириштириш бўйича тадбирларни қўйиштириш ҳақида» қарор қабул қилган эди.

Қарорда таъйинланганича, металлургия корхоналаридаги тўхтовсиз иш ва шунингдек халқ хўжалигининг металлдан аҳтиёжини қондириш деярли металл инкичи бор ишлашга боғлиқ. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети мамлакатда темир-тераска ҳамда металл қолдиқларини йиғиш кўпайтириш зарур деб топдилар.

Темир-тераска йиғиш плани шаҳар корхона ва ташкилотларида қандай бажарилиши? — муҳбиримиз шундай савол билан Тошкент шаҳар халқ контрол комитетининг раиси ўрқот М. Муллаевага мурожаат қилди.

— Январ ойида 9640 тонна қора металл йиғишчи планлаштирилган эди,— дедя жавоб берди М. Муллаева. — Амалда эса 9818 тонна металл тайёрланди. Шунингдек рангли металл чиқиндиларини тайёрлаш плани ҳам ортинг билан бажарилиди.

Куйбишев, Ленин, Киров, Чилонзор районлари ўз олдиригига қўйган вази фани кўнгидалик бажардилар. Фрунзе райони 400 тоннага яқин қора металл пландагидан кам берди. Шунингдек «Лавташентстрой» бошқилари қорон олдингидек қора металл йиғишга яхши эътибор бершмайди.

Шаҳар ва район халқ контрол комитетлари корхоналарда бир қатор текшириш ишлари ўтказиб, темир-тераска йиғиш қондарсиз аналитини аниқладилар. Айниқса, қора металлари йиғиб омиборларга жўнатиш ва қайта ишлашга юбориш ишларига яхши эътибор берилмапти. «Ўзбексельмаш», «Трактор йиғув», «Ташхимвеломаш», «Ташкентстальмаш», «Ўзбекхлосмаш», «Газоаппарат» Чкалов номи авиация заводларининг бошқилари қатъий оғоҳландилар. Ҳозир бу корхоналарда иш бироз яхшиланди.

Ҳозир КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорига биноан корхона бошқиларига темир-тераска ҳамда рангли металл чиқиндиларидан ташган маблағини 50 процентини ҳаражат қилиш ҳуқуқи берилган. 1967 йили пионер лагерлари, ёшлар бочгалари ва яслиларини, шунингдек туристик базаларини кенгайтириш ҳамда ремонт қилишда бу маблағлардан фойдаланилди.

Бу ҳол албатта иккинчи роль ўйнайди. Корхоналар, муассасалар ва идораларда

металл тайёрлаш манбаларини аниқлайдиган комиссиялар ташкил қилиниб, ирқосиз металлари қайта ишлашга юбориш керак.

Корхона ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари республика Компартияси Марказий Комитетининг чақирғига жавобан тежамкорлик ва иқтисод қилиш учун кураш бошладилар. Темир-тераска йиғиш ҳамда уни қайта ишлаш учун металлургия корхоналарига юбориш — тежамкорлик учун бошланган катта юришининг ажралмас қисми дид.

Металл парчаларини тайёрлаш ва ўз вақтида қайта ишлаш учун юбориш жуда катта аҳамиятга эга бўлган давлат ишидир. — деди сўзининг охирида ўрқот М. Муллаева. — Темир-тераска йиғиш ҳамда уни қайта ишлаш учун металлургия корхоналарига юбориш йўлида социалистик мусобақани авн олдириш лозим.

Жаҳон ойнаси

СУВАЙШ КАНАЛИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА

ҚОҲИРА, 23 февраль. (ТАСС). Сувайш каналини модернизация қилиш соҳасидаги ишларнинг учинчи даври бошланди. Бу ишларга 40 миллион Миср фунти сарф қилинади.

Муқалламанг ишлар амалга оширилагач, каналнинг кенглиги 80 метрдан 100 метрга етказилади. Каналнинг туби ҳам кенгайтирилади ва чуқурлаштирилади. Шунинг натижасида сувга 42 фут ботиб сузадиган ҳамини 120.000 тонна бўлган немалар ҳам қамалдан бемалол ўтатилган бўлади.

ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

Чет эл мухбирларининг Хитойдан юборган хабарларига айтилишича, Хитойнинг Ухань, Циндао, Кантон (Гуанчжоу) ва бошқа шаҳарларида хунвейбилар ва шаофанлар билан «маданий революция» мухолифлари ўртасида тўнанаулар бўлган. Пени радиосининг хабарига кўра, Мао Цзундин оппозицияда бўлган Циндаодаги ташкилотлар шаофанлар орасидаги иқтисодлардан фойдаланиб, шаҳарда «тартибсизликлар келтириб чиқармоқдалар». Марказий Хитойнинг янги катта шаҳри бўлган Уханьдаги ҳарбий қисмлар ўртасида олавоғур бошланган. Маркази Ухань шаҳри бўлган Хубей вилоятининг радиостанцияси соддат ва офицерларга мурожаат қилиб, Мао Цзундин мухолифларини армиядан четлаштиришга,

Хитой Компартиясининг Хубей вилоят комитетидеги мансабдор шахсларга «индидати хужум» бошлаб, «хонимини уларнинг қўлидан тортиб олишга» даъват қилди.

«Маданий революция» Хитойдаги иқтисодий аҳволин тагин ҳам мушкуллаштириб юборди. «Маданий революция» ташкилотларининг ниҳоятда қатъий иқтисод қилиш тўғрисидаги даъватлари шундан далолат бериб турибди. Шанхайда чиқадиган «Ваньхуэй бао» газетаси санаода ҳам, рўзғорда ҳам «Кўйингиз ҳар бир парчасини тежаниш» талаб қилади. Газета шаофанлар билан хунвейбиларнинг «шошилинч мурожаатномасини» эълон қилди. Мурожаатномада Мао Цзундин мухолифлари аҳолининг моддий турмуш шароитини яхшилашлар ва шу тариқа «халқ оммасининг олгини бузиб, уни

«БАҲОР» АНСАМБЛИНИНГ ДАККАДАГИ КОНЦЕРТИ

КАРАЧИ, 23 февраль. (ТАСС). «Баҳор» Совет раис ансамблининг Даккадаги биринчи концерти муваффақиятли ўтди.

Шарийи Поинстон конун чикариш мажлисининг раиси Абдул Ҳамид Чоудхури концерт бошлангани олдидан Совет артистларини табриқлаб, Совет Иттифоқи бутун дунда тинчликни сақлаш ишига катта ҳисса қўшганлигини таъкидлаб ўтди.

Совет ансамбли Шаркий вилоятда яна уч марта концерт беради.

Супаржо устидан суд процесси бошланди

ЖАКАРТА, 23 февраль. (ТАСС). Бугун факультетада ҳарбий трибунал бу ерда бригада генерали Супаржо иши юзасидан суд процессини ўтказган эдилар. Супаржо Индонезияда 1965 йил 30 сентябрда бўлган воқеаларга дахлдор деб

(ТАСС, 22 февраль).

МЕХНАТЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтига Сирдарё об-ластидagi Илчи раёнининг ва шу раёндаги «Правда» номли 7-совхоз раҳбарлари меҳмон бўлиб келишди. Пахтакор деҳқонлар билан профессор-ўқитувчилар сости, студентларини уchrивуви бўлди.

Мажлисини институт ректори профессор Ш. Ш. Абдуллаев қисқача кириш нутқи билан очди. Совхоз директори С. Мамажолдиров виёиллар ва пахтакорлар ўртасидаги дўстлик ҳақида гапириб, ўтган ҳўзалик йилида совхоз далагига 8 минг 300 тонна «оқ олтин» тоширганилигини, шундан 4 минг 400 тоннасини Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг студентлари терганилигини айтди. Совхоз коллективига студентлар пахта теришдан ташқари, ишчилар орасида катта тарбиявий ишлар олиб боришда ёр-

дам кўрсатдилар. Ўйлаб декилар ўқилди. Вулилар кўбидя, бригадалар студентлар кучи билан кон-цертлар берилди.

Ўтган йили студент ва ўқитувчиларнинг самарали меҳнати тақдир-лаб совхоз ишчилари номидан институт коллективига «Сигнал-2» теливизори тоширилди. Пахта йилги терим даврида янги кетишган бир гурупа студентларини Мирафшани ўзаштириш бош бошқармаси номлари билан олтин соатлар билан мукофотлади. Мукофотланганлар орасида тарих-филология факультетининг III курс студенти Ўзғам Ораз, Метов, II курс студенти Вибигул Кўчқорова, III курс студенти Ўлмас Маматова, Шамсиддин Тўқсовов, II курс студенти И. Мақсудова ва бош-қалар бор.

С. УТАНОВ.

КУЛИБ БОҚАН БАХТ

(ЛАВХА)

Адиба опа ҳали ишдан келгани йўқ. Лекин унинг уйи кўнж-кўнжлар, олис-қари қўриқдошлари билан тўлиб бўлди.

— Табриклаймиз, Мавжуда хола,— дейишди ҳар бири Адиба опанинг онасига.

Боланинг бахти, она-нинг бахти эмасми! Мур-гак фарзандини ардоқ-лаб ўстириб, ўқитиб вер-ка давражасига етказган она фарзандининг Ленин орденни олишига муассар бўлганидан ҳаяжон-ланмайди.

1943 йилда Ўзбекистон-да биринчи Охангарон кўмир шактаси ишга ту-ширилди. Ўзбек халқи-нинг содиқ фарзанди Усмон Юсупов тасвиси билан Адиба опа ўз давр ичидя меҳнатқаш халқ билан бирга ҳам-нафас бўлиб, билмаганге-римни билиб, мустақам-лаб тақриб орттирдим. Қанчадан-қанча бемор-ларнинг дардига малҳам



5 та тиббий пункт таш-кил этиб, ишга туширади. Сўнгра яна Тошкентга— хозирги «Ташсөл-маш» заводига беш врач ёрдамчиси бўлиб ишга келади.

— Мана 25 йилдан бу-ён халқ саломатлиги йў-лида меҳнат қиламан,— дейди Адиба опа,— шу давр ичидя меҳнатқаш халқ билан бирга ҳам-нафас бўлиб, билмаганге-римни билиб, мустақам-лаб тақриб орттирдим. Қанчадан-қанча бемор-ларнинг дардига малҳам

толиб, қайғу-аламига ше-рик бўдим. Кўпларни ўлим чапгилдан кутка-риб қолшига тўғри кел-ди.

Меҳрибон врач ўртоқ Эшонқўжаев бошлик бўлган 17-поликлиника шохвараги энг яхши ме-дицина пункти ҳисобла-нади. Чунки бу ердаги коллектив ўзаро ниҳоят-да ақил, тотув, бир-биридан ёрдамчини сира-ямайди.

— Ширин сўз ҳам, ач-чиқ сўз бир оғиздан чи-қади,— дейди поликли-

ника врачлари билан бўлган ҳар бир суҳбат-лари ўртқ Эшонқўжаев,— шунинг учун беморнинг дардига малҳам кўяман десангиз, ширин сўзми-гизни аяман.

Киши бахтли бўлиши учун меҳнати совии, самимий, ширинсўз, ҳа-лол бўлиши, кийинчили-ларни енга билиши ке-рак.

М. ИБРОҲИМОВ.

Суратда: Адиба Эшон-қўжаева (ўнгда) ўз ҳам-касблари билан суҳбат-лашаётир.

УЛУҒ ОКТАБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА


Тошкент Қишлоқ хў-жалчи институтига Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига хаваскорлар тўғрагининг факультет биринчилиги учун концертлари бў-либ ўтди. Яқинда ўр-мончилик факультети-нинг конкурс кўрғини бўлди. Студентлар то-моидан саҳнага қў-йилган Х. Ҳақимзода Нисезининг «Заҳарли ҳаёт» Х. Гуломнинг «Тошболта ошми» ва «Улуғ йўл» спектакл-лари зўр маҳорат бил-ан ўйнади.

Муаттархон Сидди-қова ижро этган «Таю-вар», ўйинчи қизлар ансамбли ижросидаги «Қари наво» халқ ўйинлари ҳам томоша-бинларда зўр таассурот қолдирди. Шунинг бил-ан бир қаторда ўр-мончилик факультети-нинг VI курс студенти В. Спитно бошчилиги-даги оркестр ижро эт-

ган «Украина ва Ўзбе-жаник» номли кўйлар. I-курс студенти Виктор Бугаев, II-курс студен-ти Гершкевич ва бош-қалар ижро этган ашу-далар ҳам жюри аъзо-ларининг диққатини ўзига жалб қилди.

Шундай қилиб, Улуғ Октябр 50 йиллиги шарафига ўтказилган конкурс якуллиди. Ижро аъзоларининг на-тижаларига асосан ўйинлар қўйидагича тақсимланди. Биринчи ўринни агрономия фа-культети, 2-ўринни эко-номия факультети, 3-ўринни ўрмончилик факультети олди. Қо-лган ўринларда агрохи-мия ва ипакчилик фа-культетлари студентла-ри ағалашди. Шундай қилиб мусобақада яна агрономия факультети биринчилиги қўлдан бермади.

А. Эргашев, студент.



Сиз суратда Тошкент

шаҳар маъший хизмат

кўрсатиш бошқармасига

қарашли биринчи моде-

лар ателесининг чевар

тикувачиси, коммунистик

меҳнат бригадаси бош-

лиги Т. Крайновани кў-

риб турибсиз. Унинг

бригадаси мунтазам ра-

вишда смена ва ойлик

топшириқларини ортқи

билан бажариб, асло

маҳсулот ишлаб чиқар-

моқда.

М. Нурмидинов

фотоси.

ТўНГИЧ ЎҚУВ ҚўЛЛАНМАЛАР

Шу вақтга қадар республикамиз тарихи бўйича юқори синф ўқувчилари учун қўл-ланмалар яратилмаган эди. «Ўқитувчи» наш-риети бу ишга қўл уриб яхши фаолият кўрсатди.

Биринчи қўлланма 10-синфлари учун 8-синфлари учун мўл-жалланган. Академик Яҳё Гуломов билан

Ўзбекистон ССР Фан-лар академиясининг корреспондент аъзоси Рашид Набиев тайёр-лаган бу китобда рес-публикамизнинг бой тарихи ўз аксини топ-ди.

Мақтабларнинг 9 ва 10-синфлари учун Ўз-бекистон тарихи бўй-ича яратилган иккинчи ўқув қўлланмаси тарих фанлари доктори М.

Мусаев ва олимпиа Р. Усмоновлар томони-дан ёзилган. Унда ҳам Ўзбекистон тарихи кон-крет мисоллар асоси-да баён қилинади.

Ҳар иккала ўқув қўлланмаси тарихчи олимларнинг Улуғ Ок-тябрь революцияси-нинг шояли 50 йиллик тўғига ҳозирлаган му-носиб армуғонлари бў-лади.

УМРИНИНГ ЭҒОВИ

Алкоголизмга янги ички-ликбозликка қарши кураш— катта социал проблема бў-либ, бу нарса мединина хо-димлари билан бирга жа-моатчилик ҳамкорлигида ҳал қилиниши керак.

Алкоголизм коммунистик жамятининг ахлоқ кодексига тамомла эиндир. Шунга қарамай ичкиликка мойил кишилар совет жамятида ҳали ҳам учраб туради. Бун-дай кишилар меҳнат ва дав-лат интизомини буздилар, бахтсиз ҳодисаларнинг қур-бона бўлдилар, оилавлари-дан ажрайдилар, ёр-биродар-лари орасида беоруб бўл-дилар. Бунга мисол қилиб, Тошкент электронабель заво-дида ишловчи Рафаэль Пин-хасов исмли ёшгина йигит-нини олимизим мумини. 24 ёш-ли бу одам спиртли ички-ликчи сурунчасига истеъмол қилиши оқибатида сезилиб қасбидан, коллективдан, ички фарзандидан ажралди, ўзи эса килиншига яраша жавобгарликка тортинди.

Жуда кўнчили, спиртли ичимликлар инсон организм-ига қанчалик зарар еткази-шини яхши тушуниб етмай-дилар. Бунинг килиниб ва суд мединина тақрибасида таъ-диқлаш мумини. Мисол тари-қасида шундай воқеани келтирай. Гражданин П. 31 ёшда, ҳеч касалиги билан оғирмаган. Бир кун кечқу-рун эса, уйига маст ҳолда қайтди, юзлари қизарган, нафас олиши қийинлашгани-ни кўрган хотин эрининг ахволидан шўхаланади. Зудлик билан таъ ёрдам ча-қирилади. Лекин врач етиб келгунча у оламдан ўтди.

Мурда ёриб қаралганда, бош-миа пўстлогини таранглаш-гани, милининг чекка суяк қис-мига қўнйилганилиги, бош ми-я эса шиниб қонтабл бўл-ганлиги аниқланди. Кўр-дизми афрогадан заҳар-ланиш оқибатини. Шунинг учун ҳам алкоголь ўзининг таъсири бўйича наркотик за-ҳарга қиради. Шу сабабли, алкогольдан пайдо бўлган нархозда, дейди улур, рус физиолог Иван Петрович Павлов «гоҳ ўринсиз ва одадан ташқари шўхлик ва хўрсандчили, гоҳ ортиқча таъсирчанлик ва йиғдоқили, гоҳ даргазаблик» кўрилади.

Мунтазам ички кишининг алкоголь ўрганиб қолшига сабаб бўлади, бунинг хроник алкогольизм дейилади. Бу оғир, муҳим касалиқлар. Бундай касал кишилар бир-ор сабабга қўра қимаса, ўзини жуда ёмон ҳис қила-ди, кўзлари чиррайди, заб-фияти бузилади, таъмин ва таъмин бўлиб қолади, юрғи тез-тез ўйнаб, нафас олиши тезлашади, дармони қўри-ли, ҳаяжонланади ва беса-ранком бўлади. Бош оғриғи-ни йўқотиш учун ҳар нарса қилиб бўлса ҳам бирор хил спиртли ичимлик ичиш иста-ги пайдо бўлади.

Кўнчица ичимликка жуда ҳам берилган одамларда «Ваҳимали алаҳириш» деб аталадиган рўйи касалик пайдо бўлади. Бунда бемор ваҳимга тушади. Унинг кў-зига қабурчун одамлар, аф-сонавий баҳайбат махлуқлар, кўринадя, кўрғинчи товуш-лар, сўнжишлар эшитилади. Баъзан ваҳима авжига чи-ққанда, даҳшатли овозлардан

қўриқиб, қочиб қутулиш учун ўзларини дераздан кўчага ташлашга уринадилар. Баъ-зида қаровисиз қолган касал-лар фожали равишда ҳалок бўлдилар. Бундай ҳоллар-да касаллар махсус рўйи касалхоналарга теалик бил-ан жойлаштирилади ва узоқ вақт бемор ишдан чиқади ҳамда меҳнат қилишга қо-биличсиз бўлиб қолади.

Алкоголларнинг ички ор-ганлари ҳам ишдан чиқиб қолади, айниқса юракнинг фалажланишидан тўсатдан ўлиш ҳодисаси кўп учрайди. Улар дармонсизликдан, ҳал-лошладан ва юракнинг чапталлаб оғришидан шикоят қиладилар. Артериосклероз қўшилган бўлса, бундай оғриқ орқалда, курақда, кўр-рак қафаси соҳасида ҳам сезилади. Кўп ичкилик ичиш одамнинг боравақт қарши-га сабаб бўлади. Уларнинг ошқозонидя ўткир, кўнчили ҳолларда хроник катар касал-ли бўлади. Бунда одам тўш остида оғриқ сезиб, ҳама дўш кекира беради, зардаси қай-нади, баъзан кўнчили айниб қайт қилади. Ичкилик айни-са жигарга қаттиқ таъсир кўрсатади. Натияжда жигар ҳужайралари ўзгариб, ўз-функциясини бажароалмай қолади. Бу кўнчица ўлимга олиб борадиган касалликка, яъни жигар циррозига са-баб бўлиши мумини. Алко-голланинг организмларда витаминлар камийиб қолади, мода олмашуви бузилади.

Алкоголизм шу жиҳатдан муҳим балони, унга йўлиқ-қан одам ичадиган ароғи, вивоси ўзига катта зарар ет-

казишини билгани билан, ўзича ўша ичкиликнинг баҳ-ридан ўта олмайди. Бундай одамлар ичкиликни ташлаб, одадгича ҳаёт кечирадиган бўлиши учун шаҳардаги нар-кодиспансерда махсус даво-ланиши керак, бу ерда даво-лаш ишларидан ташқари профилактик ишлар ҳам олиб борилади.

Хозирда илгор совет ме-дицина фанисиз шундай ки-шиларни муваффақиятда қи-волаб, ичкилик ичиш ода-тидан қўқариш йўлларини топади. Шунингдек алко-голдиз қарши кураш кеңг жойлашган иши бўлиб қолиши зўрур. Хуасуан ўс-мирларга алкоголь сотиши ва уларнинг спиртли ичим-ликлар билан саудо қилуви ҳуфет ва рестороанларга ки-ришларини қатъий ман қи-лиш керак.

Инсон учун дунёда салсо-матликдан азиз нарса йўқ. Киши саломат экан, ота-она-сига, фарзандига халқ ва давлатга фойдаси тегади. Ҳар қандай орау умидга фаят саломат кишингина етади.

Бизда, СССРда иктимой касалиқларнинг ҳамма ил-дишлари тағ-томири билан кўпориб ташланган, шунга қўра ичкиликбозликдек эски-либ сарғичи ҳам бизда бўл-моқда йўқотиб юборилиши лозим.

И. ЖАҲОНГИРОВ, Ўзбекистон санитария-гигиена ва профессио-нал касалиқлар илмий-текириш институтининг аспиранти.

ТРАМВАЙ СОТИЛАДИ

«Трамвай вагонлари сотилади», «60 минг иенга ҳар ким трамвай этаси бўлиши мумини» — Токио газеталари ани шундай сарлавхада катбов ярим кечатга тинмайди. Шаҳарда авто-мобиллар сон анила-кочон бир миллиондан ошиб кетди. Серкатнос вақтларда чорраҳалар-да машиналар тўпла-ниб, юриб бўлмади қо-лади. Устунлар устига қўрилган тез авто-лиқлар ҳам ёрдам бер-май қўлиди.

Япония пойтахтида трамвайларнинг соти-лиши Токио муниципалитетининг яқин йил-лар ичидя шаҳар транс-портда трамвайлар-нинг 90 проценти мет-ро тармоғи ва автобус-лар билан алмаштириш ҳақидаги қарор билан боғ-лиқдир. Пойтахтда аҳолининг ҳаддан таш-қари кўпчилиги (Токиода ҳозир 11 миллион ки-ши яшайди) уй-йўл тан-қислиги ва ёз вақтига зўр етишмаслиги про-блемаси билан бир қа-торда яна бир кийин-чилик — транспорт ки-

йинчилигини келтириб чиқарди. Токионинг асосий кўчаларида ма-шиналар, трамвайлар, автобуслар, мотоцикл ва велосипедларнинг катбов ярим кечатга тинмайди. Шаҳарда авто-мобиллар сон анила-кочон бир миллиондан ошиб кетди. Серкатнос вақтларда чорраҳалар-да машиналар тўпла-ниб, юриб бўлмади қо-лади. Устунлар устига қўрилган тез авто-лиқлар ҳам ёрдам бер-май қўлиди.

Шаҳар маъмурилари транспорт проблемаси-ни қандай ҳал этиш ҳа-қида ҳамон бош қоти-ришяпти. Улар яқин йиллар ичидя трамвай-лардан воз кечиб, улар-нинг ўрнига транспорт-нинг чаконроқ ва тез-юар турларидан фой-даланиш транспорт проблемасини ҳал этиши-нинг бир йўлидир, деб ҳисобламоқдалар.

Л. НОСИРБЕК, (ТАСС).

ФОРСТЕР ЗОЛИМЛАРИНИНГ ИШИ

ЛОНДОН. Ўтган йили Жауубий Африка Рес-публикасида «Коммуни-стик кўпуровчилик иш-ларини олиб боришда» айбланб европаликлар-дан 14 киши, африка-ликлардан 341 киши

қамоққа олинган. Юсти-ция, турмалар ва фа-вқулодда қонунлар вивистри Пельсер пар-ламентда сўзлаган ўз нутқида ана шу рақам-ларни келтирган.

Осиё ва Африка мамлакатларида

КУРАШ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА

ҚОҲИРА. Жану-бий Арабистонда инглиз мустамлакачи кўнчилиларнинг кўра-ши кучайиб бормоқ-да. Ададан олинган маълумотларга қўра, «Иманнинг оккупация қилган ва унинг фронт» кўнчилиларнинг қирғ-мигидя иборат отряд-да Яман чегараси йи-нида жойлашган инт-

либ бораётган озод-лик кўнчилиларини ҳара-катлари кенгайиб бор-моқда. Оқибат Хамбир районидя ватанпарвар-лар кўнчили ички ин-сти-тутида зўр келди инглиз солдат ярадор бўлган.

Умумо имомлигида-ги Дофар шаҳрида ҳам инглиз мустамлакачи-ларига қарши кураш олиб бораётган озод-лик кўнчилиларини ҳара-катлари кенгайиб бор-моқда. Оқибат Хамбир районидя ватанпарвар-лар кўнчили ички ин-сти-тутида зўр келди инглиз солдат ярадор бўлган.

ЯНГИ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАР

ПРАГА. Чехословакия-да энг кичик бўлган ва қуввати 880 киловатт келадиган «Почера-дан типовой электр станциясини кўриш қиз-ғини даволат этилди.

Электр станция қо-раматри кўмир билан ишлайдиган бўлади. Гар-би-шимолий чегия кўмир ҳаваси ани шундай кў-мир запасига бош.

— Ана шу ҳавза кў-мир қатламлари базаси-да Гарби-шимолий че-хияда жамин қуввати 2.100 киловатт келадиган яна учта электр станциясини қуришмоқда.

1966 йилда Чехослова-кия Социалистик Респу-бликасида электр энер-гия ҳосил қилиш 36,5 миллиард киловатт соат-дан ошиб кетди. Респу-блика аҳоли жон бошига энергия ҳосил қилиш ни-хатдан Бельгия, Фран-ция, Голландия, Италия-дан ўзиб кетди. Перес-пектив пландан 1970 йилга бориб, ҳар йили электр энергия ишлаб чиқаришини 31 миллиард киловатт-соатга етказиш кўзда тутилади.

Индонезиядаги аҳвол

НЬО-НОРК. Ассошией-тед Пресс агентлигининг мухбири Жанартадан ха-бар беради: Индонезия муваққат халқ маслаҳат конгрессининг комиссия-си сўнгги йилларда пре-зидент Сукарно ташкил қилган бир қанча дав-

лат органлари тартиб-тайини юбориш тўғрисида на-роҳ набул қилди.

Тархатиб юборилган органлар орасида олий оператив кўмондонлик ва Малайзияга зарба бе-рувчи кўмондонлик до-рсиядаги харбий маъму-рият бор.

Биринчи гидрологик атлас

СОФИЯ. Болгария Фанлар академияси ҳузуридаги гидрология ва метеорология инсти-тутининг коллектив би-ринчи марта «Болга-рия Халқ Республика-сининг гидрология ат-ласи»ни нашр этди.

А. Маликнинг айтганлари

НЬО-НОРК. Индонезия ташқи ишлар минис-три Адам Малик бундай деган: президент Сукар-но ташлаб олиш лозим бўлган бирдан-бир йўл ҳокимиятдан ўзининг воз кечишидир. Акс ҳолда у 7 мартда муваққат халқ маслаҳат конгрес-сигиланган вақтда вази-

Тошкент Оқшоми

фасаддан четлаштириб қўйилиши мумини.

Тошкент Оқшоми

АНГИ ШЕҒРЛАР ОЛТИЛИКЛАР

Ялт этиб ёнсаю бирорта юлдуз, Сўнг кўздан йўқолса осмонда беиз, Кимингидир муҳаббат битди, дейишар. Оламдан бенишон кетди, дейишар. Йўқ, ўхшаш эмасдир одам ва юлдуз, Инсон қолдирмасдан кетмас бирор иш!

Ҳеч синдирма, асра кўзгунин, Кўзларингга суртиб ўп уни, У барчага тенг ва баробар, Ҳамаат қилар ҳаққоний, ҳалол, Бўлса бирор нуқсонинг ағор! Ишризмасдан кўрсатар яқол!

Пўлда ҳушёр бўлинг, асло адашманг, Ўйлаб қадам босинг, сиз учча шошманг! Чунки баъзи йўллар хушнуд этади, Етказиб қўзлаган мақсад манзилга, Батвоиси билдирмай бошлаб кетади Борса келмас дея аталган йўлга!

Одамларнинг бир-бирига ўхшашлиги бор, Яратилгандан беря улар шу бўлар тақдор. Ҳар бир одам йўл-йўлдан чиқади йўлга, Оқ йўл тилаб кўзатади мушфик онаси, Сўнгра қариб ҳасасини олади кўлга, Бу гал уни кузатади тала-чақаси!

Талғат СОЛИЕВ.

НУР ТУТАМАН

Эртаб бораман кўёш котдан Кафтларини илқ нурларга тўтиб, Гуллардан ва тондан териб ҳар хил ранг Камаланик бераман ҳадя этиб, Бўтақўлардан эса йиғиб кўнчилини Кўнрок қилиб бўйяман осмон кўсмин. Инсонлар қолбларининг хароратидан Қўрсин деб кўз ишлар ерининг юзидан, Ички кўёш ясаб, ерининг сатҳидан Осмонга иригитаман нурлар зийдан. Нодира РАШИДОВА.

Ўғри мушук

Попухон катта тошойна олдида пардоз қилмоқда. Мингиллаб ашула айтади.

Попухон: — Чимирилганда юм олув, Ажаюн, қалам қошим, Аҳволдан не бўлув, Сериб қолса кундошим.

(Бирдан эшик очилиб, Адашвой кирди.)

Попухон: — Вой ким бу?!

Адашвой: — Адашвойнингизам...

Попухон: — Ҳалиям сизсиз...

Адашвой: — Бўлмаса, нега бунчалик кўриш?

Попухон: — Ҳали шу атрофда денг, бир ўғри мушук айланиб қолди. Ҳозиргина кувиб юборувдим. Яна уйга кириб келяптим, деб чўчиб кетдим.

Адашвой: — Ўғри мушук десангиз ҳам биз, тўғри мушук десангиз ҳам биз.

Попухон: — Қўйинг, жаҳлингиз чиқмасин. Ор-донгина қолгур ўша қома мушукни айтяман. (Адашвой пальтосини ечади, Попухон уни қозинга илб қўяди. Адашвой девордаги мўй-лабли йигит суратига тикилиб қолади.)

Попухон: — Намунача тикилиб қолдингиз? Энди кўришингизам...

Адашвой: — Ҳа, ўтган гал келганимда кўр-маган эканман. Бу кимнингиз бўлади.

Попухон: — Қани, марҳамат сўлга ўти-ринг.

Адашвой: — Аввал саволимга жавоб беринг.

Попухон: — Аввал ўтиринг, кейин... (Адаш-вой сўлга ўтиради.)

Адашвой: — Хўш, энди айтасиз?

Попухон: — Бу кишини азал-оқибат ёмон кўрдим. Онам зўрлаб берганлар. Ҳартугур ўлим бизни ажратди.

Адашвой: — Э, шунақами? (Попухон стол устига тузланган бодринг, балчи ва нон кел-тириб қўяди.)

Попухон: — Энди қолгани ўзингиздан, Адашвой ака.

Адашвой: — Анови пальтонинг ич чўнтагини қоп.

Попухон: — И-я, коняк-ку, бу. Менга ваъда қилган ҳалиги нарсангиз қани?

Адашвой: — Эсан чиқибди...

Попухон: — Эрнақларнинг ҳаммаси ҳам шунанга алдоқчи...

Манаки суратдаги мўйловам қўйинимни хўп пуч ёнроққа тўлгаган.

Адашвой: —

МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ САБОҚЛАРИ

М. Горький номида болалар боғи қиш фаслида бўм-бўш бўлиб қолган эди. Бу ерда болаларнинг қувноқ овозлари эшитилмай, беланчак ва арғимчоқлар учмай қолди. Лекин, болалар билан биргаликда олиб борилган барча оммавий ишлар шаҳар мактабларида бўлиб ўтмади.

Октябрь революциясининг 50 йиллиги шарафига болалар боғининг маъмурияти болалар билан бир қатор қизиқарли машғулотлар ўтказишга аҳд қилди. Бу ерда катта байрамлар нишонланди, кечалар, урчушлар, эртаклар ва эскурсиялар бўлиб ўтди. «Жасорат ва мардлик сабоқлари» номи остида ўтадиган эртаклар цикли Қизил Армиянинг таниқли командирлари ва саркардаларига, революция даврида В. И. Ленин билан ёзма-ён туриб курашган кишиларга бағишланади.

Масалан, 87-мактаб ўқувчилари билан биргаликда афсонавий қаҳрамон, таниқли саркарда В. И. Чапаев хотирасига бағишлаб ўтказилган эртак жуда қизиқарли ўтди. Революция ветерани, граждандар ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиси запасдаги гвардия подполковниги Владимир Павлович Михайлов Чапаев дивизиясининг душманга қарши қаҳрамонларча олиб борган жанти ҳамда дивизиянинг босиб ўтган жанговар йўллари ҳақидаги хотиралари болаларга гапириб берди.

Яқинда туркистонлик 14 комиссар хотирасига бағишлаб, Граждандар урушининг қаҳрамони М. Ф. Фрунзе ҳамда революция шoirи Ҳамза Ҳанимзода Ниёзий хотирасига бағишлаб эртаклар ва кечалар ўтказилиб белилаб қўйилди.

сухбатни мароқ билан тинглаган ўқувчилар Совет ёзувчиларининг Гайдарга атаб бағиш шёрларидан парчалар ўқидилар.

Яқинда туркистонлик 14 комиссар хотирасига бағишлаб, Граждандар урушининг қаҳрамони М. Ф. Фрунзе ҳамда революция шoirи Ҳамза Ҳанимзода Ниёзий хотирасига бағишлаб эртаклар ва кечалар ўтказилиб белилаб қўйилди.

сухбатни мароқ билан тинглаган ўқувчилар Совет ёзувчиларининг Гайдарга атаб бағиш шёрларидан парчалар ўқидилар.

Яқинда туркистонлик 14 комиссар хотирасига бағишлаб, Граждандар урушининг қаҳрамони М. Ф. Фрунзе ҳамда революция шoirи Ҳамза Ҳанимзода Ниёзий хотирасига бағишлаб эртаклар ва кечалар ўтказилиб белилаб қўйилди.

Санъат оламига саёҳат

МОСКВА. Мамлакат Большой театрида «Асал» балетининг премьераси намойиш қилинди. Муаллиф В. Власов балетни Чингиз Айтматовнинг «Сарвқомат дилбарим» повести асосида яратган. Постановкачи балетмейстер О. М. Виноградов, расм В. Я. Левенталь. Балетда асар қаҳрамонларининг нафосати, яқин динамикаси ёрқин акс этиб туради.

СУРАТДА: «Асал» балетидан кўриниш. Асал ролида РСФСР халқ артисткаси Н. В. Тимофеева, Илс ролида РСФСР халқ артисти Н. Б. Фалесечев.

В. Соболев фотоси, ТАСС фотохроникаси.



В. Мастоюков фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Езувчи Вадим Кожевниковнинг «Қалқон ва қилч» романи қисқа вақт ичида мингларча китобхонлар қалбидан ўрни олди. «Мосфильм» киностудиясида ана шу асар асосида кинотрилогия тайёрланмоқда. Режиссёр Владимир Басов фильмининг биринчи қисмини суратга олишга киришди.

Артист Станислав Любшин Улуғ Ватан уруши йилларида душман орасида разведка ишлари олиб борган жасур совет жангчиси Беловайс ролини ижро этди.

Суратда: «Фрау Дитмар ҳузурдаги байрам оқшоми» эпизодидан кўриниш. (Чапдан ўнгга) Ева ролида артистка Таисия Додина, Пауль ролида артист Виталий Конев, фрау Дитмар ролида ГДРлик артистка Хельга Гёринг, фрау Бюхер ролида артистка София Фалеева.



В. Мастоюков фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Мен акулаларни узоқ вақт музаатганман. Кузатишларим давомиди мен кўпчиликча маълум бўлган «назария»лардан воз кеча бошладим. Масалан, акула ҳужум учун шайланганда қорини осмонга қилиб ёни ёнбошлаб туради, деган гап бекор. Акула қандай ҳолатда туришидан қатъий назар, ўз ганимини бемалол тишлайверади.

Келинг, яқини бир бошдан гапирга қолай. Акулалар ҳақидаги фильм устида ишлашга мен 1964 йил кўзимда киришдим. Мен бу йиртиқлар орасида кўп вақтими ўтказдим. Уларга эм бўлмаслик учун қафас ичида ишлашга тўри келди. Мен ичига тушиб олган қафас зангламайдиган алюминий куймасидан ясалган эди.

Акулаларни узоқдан расмага олиш унча қийин эмас эди, бироқ уларни жуذا яқин келтириб суратга олиш ҳам осон иш эмас. Улар ҳаворанг йирткичлар яқин келиб катан симларини бузиб юборгудек бўларди. Шундан кичирокларни эса қафас тўригини ичига бошларини шундай тикиб кишига яқин келардики, ҳатто уларни итариб чиқаришга мажбур бўлардим. Мен эса акулаларни объективга жуذا яқин келтириб олиш, яъни уларнинг кўзларини анранда жуذا яқин кўришини ҳаракат қилардим. Акулаларни одамлар билан бирга суратга олиш ниҳоят даражада муҳим эди.

Шунинг айтишим керакин, одамлар катта оқ акула билан учрашганидан жуذا қўрқарди. Менга таниш бўлган келипти Мундус кўндалари билан акула овларди. У ҳар йили олдига битта ёни нишони оқ акула турди. Унинг қўлига тушган оқ акуларнинг ўнг каттаси 4.500 фунт келган эди. Бу акула калласи Монток шаҳридаги Салливар пристани респотари деворига қўйилганди. Баян ана шу ресторанда кириб бахайбат акула бошини томоша қилардим ва кечалари тушмада уни кўриб кўриб чиқар эдим.

1966 йил июль ойининг охирида мен жуذا ҳарфинг ахс перментини бошладим. Мундуснинг «Крикет» номида кемасида демигаз чиниб, нафасни сувга ташладим. Қафасда мендан ташари оператор де Кампл ва сув ости широтчиси Слатер бор эди. Визинг кўлимида бир неча жуذا кичик камбала ва илма тешик бўлиб кетган контейнерда акулаларнинг иш-

АКУЛА БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

таҳасини қўғатилиш учун бир музича оват бор эди. Акула оватни сезиб бизга яқинлашди. Улар бу оватларни ейтиш учун ҳоирланиб, жуذا тезлик билан бизнинг олдими-га келишди. Мен қафасдан чиқиб акулаларга жуذا эҳтиёткорлик билан ёндашдим. Уларнинг тўсатдан буладиган ҳужумларига ҳоирланиб турдим. Қандай бўлмасин акуларнинг ўзимга қараб келишини кутдим. Аввалига фотокамеранинг қидириш туйнугидан кўзимни узоқламадим. Қандайдир гайри табиий куч мен томон сузиб келаётган акуларнинг бошига қарашди. Фотоаппаратнинг объектини яқинлаштириб келатган маҳдунинг бошини катталаштирган сари кўрмуш ошарди. Бироқ, унинг тумшуги анранга яқинлашган сари ҳаяжоним ортар эди. Маана унинг бадбашараси билан объективга жуذا яқин кели-

муваффақиятли чинар эди. Гоҳо мен ўнлаб янми, қўнғир ва қурағи акулалар ўраб оларди. Уларнинг узулигини инчи метрдан, то 3.5 метргача етарди. Бундай ажойиб имкониятдан фойдаланиш учун шаша-лиша объективни уларга қараб бурардим.

Кунларнинг бирида наватдаги суратни олаётганимда атрофга қараб кўриб кетдим: мен бағиз эдим. Атрофидида мен қафас, на акула бор эди — фақат кўнчи ҳаворанг мухит орасида, бўлиқда кўриқ билан яқинлашган қолган гандим. Капитан Мундуснинг бир кун аввал катта оқ акула лар пайдо бўлиши билан ҳаворанглари дарҳол қочиб қолди, деган гаплари миждам чанмоқдан чаннади. Шу пайт менга тушунарли бўлган жаҳаннам орасида бир шарпа пайдо бўлди.

Унинг сузиши катта ҳаворанг асо осимдан чинарди. Мундус гарпуқ ўриятганига майдонча четда турарди. У кели аввалон илпачини бостириб ийиб, қўлида винчестерни ушлаб турарди.

Биз ҳар гал ўқ отилганини эшитганимизда опонг қорини осмонга қаратиб ётган акула билан кўрар эдик. Бир кун мен томонга қараб олдатиладан тетроқ сузиб келатган катта йиртиқчи кўрар, уни кўриптиш учун кўзимни олдига қўйдим. Кўнчи бу даражада миллиқ товун эшитилди. Уқ меннинг бармоқларим орасидан ўтиб кетди. Мундус ҳаворанг мерган эди. У мулжалга олмайтди, шунинг учун ҳам миллиқдан прицели олиб кўрар эди. Мен учун Мундус отган миллиқнинг ўқидан кўра, акуларнинг тишлани хавфлироқ эди.

Сув остида юрганмида акулаларни қўнғатидиган нишони томонига бор эдим. Буларнинг бири қафасда, иккинчиси меннинг қўлида эди. Акуларнинг қўнғатилиши нараси ўн заряди ўриятгани яқин метри трубадан иборат бўлиб, уни бушатиш учун бирор нарсатга — масалан акуларнинг бошига уриш ниқофи эди.

Акулалар орасида сузиб юришга шунчалик ўрганиб кетдики, ҳатто улардан кўрмай ҳам қўйди. Бир вақт биз каттақам ёни эшигини беништириш учун қўнғат эдик, каттақам акула чатам ичига кириб олди. Биз қўлларимизга тақиб олиб, акулаи қўнғатди бошладим. У тешигини тоқомай қафас симларига ўзини ура бошлади. Бир неча марта қилинган ваҳиёна ҳаракатдан сўнги яқинга сим орасини бири кериб қўнғатди, ҳатто терменин ҳам ишлиб юборди.

Биз бир қанча акуларни суратга олишга муваффақ бўлдик. Улар орасида сузиб юрар эдик, бир-биримизни йўқотиб қўймаслиқга ҳаракат қилардик. Тумшуги билан бизга зарба бермоқчи бўлган йиртиқчиларга усталик билан чап бердик. Бу ҳудуди сув ости широт, одамлар билан акулалар яратган томоша давомиди бир қанча ажойиб йиртиқчиларнинг суратга олди. Ҳозир бизга шу нишони аёни, ўша вақтларда айд даяҳлига эмас, профессиональ кайфиятга мағлуб бўлганимизни сездим. Ваҳиминга плён, калларимиз жуذا тез тамом бўлди.

Деярли ҳар кунин «Крикет» кемасининг капитани Френк Мундус сувага шўнғини олдидан олдига маросимини бақаради. Биз гидроустюларни ийитунга қадар у «Винчестер» маркали миллигини ўнлаб палува четига қўярди. У бу кўрдондан биз сув юзасига чиқиб бошлаганимизда отар эди. Акулалар эса ана шу вақтда жуذا тез ҳаракатланарди. Агар акула аввалонистга яқинроқ келгудек бўлса, Френк унга бир ўқ узиш билан ишни тамом қилар эди. Бир воқеа ма-

Редактор
С. М. КАРМАТОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО ТУЛҚИНЛАРИДА

24 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.10 «Ленинград симфонияси». Музикали композиция.

18.30 Шу куннинг қўшиқлари.

19.20 Социалистик мамлакатлар халқларининг куйлари.

20.00 «Истеъод» деган эшиттириш (русча).

20.10 «Музикали Тошкент» радиожурнали.

20.45 Сўбсий билимлар радиониверситети. «Ўзбекистон Компартияси—КПССнинг жанговар отряди» деган суҳбат. Автори — тарих фанлари кандидати Ф. Пулатов (Ўзбекча).

21.20 Қишлоқ хўжалик ҳодимлари учун эшиттириш ва концерт.

22.00 «Дунё воқеалари» (Ўзбекча).

22.10 Вальс кечаси.

22.40 М. Осим. «Хирот дарғаси». Ҳикоя (Ўзбекча).

23.20 Қишлоқ хўжалик ҳодимларининг талабларига мувофиқ концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 «Ешлар овози». Ўзбекистон ёш шoirларидан А. Хўжаева, Т. Имомхўжаев, А. Файнберг, А. Орипов, Н. Лукьянов шёрлари (русча).

19.30 Музикали драмалардан парчалар.

20.10 СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари.

21.00 Тожик эстрада куйлари.

17.00 «Бир бор экан-у, йўқ экан». Болалар учун эшиттириш.

17.20 «Сўнги мўри тозаловчи». Болалар учун мультфильм.

17.30 «Кутб туни кириши олдидан». Илмий-омма бопи фильм.

17.50 Спорт янгиликлари.

18.30 Опа-сингил Логиновалар куйлайди.

18.45 Телевизион янгиликлар.

18.55 «МАТРОС ЧИЖИК». Бадий фильм.

20.15 Югославия эстрадаси юлдузи.

Ўзбек тилида:

20.40 «Кўйил республика». Хўжжати фильм.

21.00 Телевизион янгиликлар.

21.10 Совет классик куйлари. Қара-Қараев.

21.50 «ЮРАК КЕЧИРМАПДИ». Бадий фильм.

«Зангори» ЭКРАНДА

24 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида:

18.00 Телевизион янгиликлар.

18.15 Композиторлар — болаларга. Г. Успенский номидagi мактаб ўқувчилари ижросида С. Прокофьевнинг 12-пьесаси.

18.45 Эшиттиришлар программаси, реклама ва эълонлар.

Ўзбек тилида:

19.00 И. Сулонов. «ИМОН». Тўқимачилар саройи драматик коллективининг спектакли. Таънафус вақтида телеянгилликлар.

21.30 Қишлоқ хўжалик ҳодимлари учун «ЮБИЛЕЙ ПИЛИДА МУЛ ҲОСИЛ» деган эшиттириш.

Рус тилида:

21.45 «Герлар ҳикоя қилади» (Ўзбекистон шаҳарлари герблари конкурсига).

22.15 Оперетта тарихидан. Жак Оффенбах.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида:

18.00 «Комсомодал ўрнатол». Ўқувчилар учун эшиттириш.

Рус тилида:

18.30 Ўқув эшиттиришлари программаси. Сирдан татлим олаётган студентлар учун. «Чизма геометрия».

19.35 Телевизион янгиликлар.

МОСКВА КўРСАТАДИ

19.45 Уқувчилар учун. «Пионерия» телевизион агентлиги.

20.20 «Знание». Илмий оммабоп эшиттиришлар программаси.

20.50 Телевизион янгиликлар.

21.00 Э. Плугарж. «Агар мени ташласанг». Телеспектакль премьерасининг биринчи қисми. Киев шаҳридан олиб кўрсатилади.

22.00 Янгиликлар эстафетаси.

22.50 Э. Плугарж. «Агар мени ташласанг». Телеспектакль премьерасининг иккинчи қисми. Киев шаҳридан олиб кўрсатилади.

23.50 «Галабамиз қўшиқлари». Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кўнига бағишланади.

01.10 Москва эшиттиришларининг охири.

25 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида:

14.55 Эшиттиришлар программаси.

15.00 Ярим аср йилномаси. Санъат ҳаваскорларининг фестивали. А. Раҳмат. «Абдулла Нобиев». Шаҳар 14-профессионал-техника мактаби ўқувчиларининг спектакли олиб кўрсатилади.

Ўзбек тилида:

17.00 «Қўнқоқ минутлар». Болалар учун эшиттириш.

17.30 Телевизион янгиликлар.

17.45 Халқ кандидатлари.

18.05 Совет артистлари ижросида Шарқ халқларининг қўшиқлари ва рақслари.

МОСКВА КўРСАТАДИ

18.50 Бутуниттифоқ санъат ҳаваскорларининг фестивали. «Олтин водий» қўшиқлари (Тошкентдан олиб кўрсатилади).

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

19.20 «ЕШЛИК» студиясини кўрсатади. «Олим бўлсанг — олам сенки».

20.15 Рус тилида телевизион янгиликлар.

20.25 Эшиттиришлар программаси.

МОСКВА КўРСАТАДИ

20.30 «Февралдан Октябргача». Ленинграддан олиб кўрсатилади.

20.45 Киносанъатчилар клуби.

21.45 Огонёк.

23.00 Телеянгилликлар.

23.30 БАДИЙ ФИЛЬМ.

01.00 Интервидение. «Румин рапсодилари». Руминияда янги олиб кўрсатилади.

01.30 Москва эшиттиришларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

Рус тилида:

16.55 Эшиттиришлар программаси.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/II да Оққуш кўли, 25/II да Дилором.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/II да Парвона, 25/II да Улидан кучли.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРИДА — 24/II да Ишнинг билан, 25/II да Тошболта ошиқ.

КИНО Театрларда

24 ФЕВРАЛДА

Эльбадан учрашув — «ЎЗБЕКНИСТОН». «ЎЗБЕКНИСТОН 25 ПИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кеч-кўрув).

Уларни афтидан танирдилар — «ЧАЙКА», «МОСКВА», «СПУТНИК», «САНЪАТ САРОИИ», «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч-кўрув).

«ДРУЖБА» (1-залда тоқ соатларда ва кеч соат 8 да).

Алвиз — «ДРУЖБА» 2-залда жуфт соатларда).

ТОШКЕНТ ЕҒ-МОЙ КОМБИНАТИГА

инженер-электриклар, мой олиш, ёни қайта ишлаш ва кўнғатилиш, газламалар, оёқ-технология, телотехниклар, электромонтёрлар, электр слесарлар ва электр контрол ўлчув ҳамда автоматика бўлимидаги электромонтёрлар ва сантехника бўлимидаги слесарлар, муҳожа-компрессор пехига машинист ёрдамчилари, маргарин, ўлчув, майонез, ато-клар-катализатор. Марказий лабораторияда ишлаш учун 8-10 синфин битирган хотин-қизлар ва эрлар, юк ташувчилар ва ёрдамчи ишчилар тара пехи учун бочасозлар (ҳақ — ишбай тўлариди) дурадгорлар, фиш терувчилар, сувоқчилар ремонт-қурилиш пехига бўёқчилар, старшин бухгалтерлар.

КЕРАК

Сменаларда ишловчилар ишга ва уйларига автобусда етказилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент, 73, Жарқўрғон кўча, 43-уй. (7, 12, 26-автосўларнинг «Маслопиромбинат» бекати), кадрлар бўлими.

Биз бир қанча акуларни суратга олишга муваффақ бўлдик. Улар орасида сузиб юрар эдик, бир-биримизни йўқотиб қўймаслиқга ҳаракат қилардик. Тумшуги билан бизга зарба бермоқчи бўлган йиртиқчиларга усталик билан чап бердик. Бу ҳудуди сув ости широт, одамлар билан акулалар яратган томоша давомиди бир қанча ажойиб йиртиқчиларнинг суратга олди. Ҳозир бизга шу нишони аёни, ўша вақтларда айд даяҳлига эмас, профессиональ кайфиятга мағлуб бўлганимизни сездим. Ваҳиминга плён, калларимиз жуذا тез тамом бўлди.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКОМИССИОН ТОРГ» МАГАЗИНИ

ақолидан янги ва ишлашга тайинланган тикув машиналари, оёқ кийимлари, газламалар, тўқимачлик, гилам ва гилам поёқлар, музика ва радио товарлари билдур; чини идишлар, мебель ва бошқа маданий молларни комиссияга қабул қилади ва сотади.

Магазинлар: Госпиталь, Октябрь, Марказий Паркент ва Бешёғоч бозорларида. Навоий кўчасидаги шаҳар ямаркисда, Т. Шевченко кўчаси 68-уйда, Дзержинский ва Апанасенко кўчалари бурчагидида 5-уйда жойлашган. Чилонзор массиви «Халқлар дўстлиги» проспектида (9, 11-трамвайларнинг ҳамда, 2, 11-троллейбусларнинг «173-мактаб осстановкиси»; Карл Маркс кўчаси (гастроном қаторида); кўшимча янги комиссия магазинлар очилган «Ташкомиссионторг» хизмат ида и фойдаланиш!

ТОШКЕНТ МАКАРОН ФАБРИКАСИНING

ишлаб чиқариш пехида ишбай ҳақ билан ишлаш учун хотин-қизлар тақлиф қилинади. Иш икки сменада. Буғ қозонларга газ ёқувчи операторлар, тара пехининг ишчилари.

КЕРАК

Шунингден ишбай ҳақ билан юк ташувчилар ҳам тақлиф қилинади.

Тошкент, Куйбишев шоссеси, 33-уй.

ТУРИЗМ БУИЧА ЎЗБЕКНИСТОН СОВЕТИ

қуйдаги маршрутларга (20 кун мудат билан) йўлланмалар сотади:

Ленинград ва Карелия бўйида Ленин жойларига эйбат қилиш учун 2 мартдан, нархи 75 сўм.

Ленинград — Ренинога — 6 мартдан, 70 сўм.

Крым бўйлаб — 6 мартдан, 70 сўм.

Закавказье бўйлаб 13 мартдан, 70 сўм.

Украина ва Молдавия бўйлаб 20 мартдан, 90 сўм.

Пушкин юртан жойлар бўйлаб—22 мартдан, 70 сўм.

Шимолий Кавказ бўйлаб — 29 мартдан, 60 сўм.

Қора денгиз соҳили бўйлаб — 30 мартдан, 70 сўм.

Йўлланмаларни банк орқали ўтказиш ва наид пулга олиш мумкин.

Адрес: Тошкент, Хоразм кўчаси, 7-уй. Телефон: В-3-55-04.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4бет

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: номмутатор В3.02.49 дан В3.02.58 гача. Кўшимча телефонлар: секретариат—3.62; партия, совет ва насаба союз ташкилотлари бўлими—3.66; сановат, курилиш бўлими—3.66; адабиёт, санъат ва маданият бўлими—7.83; шаҳар хўжалиги бўлими—7.83; физкультура ва спорт бўлими—3.79; хатлар ва оммавий ишлар бўлими—3.79; (шаҳар телефони—83.65.57); фан ва олий ўқув юрталари бўлими—7.84; иллюстрация бўлими—7.84; эълонлар бўлими—5.07; (шаҳар телефони—83.81.42).

РЕДАКТОР С. М. КАРМАТОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ИНДЕКС 64579. Напр. А. № 2341.